O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 24 декабрь, № 265 (3540) Жума

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, Ўзбекистон пахта толасини сертификациялаш "Сифат" маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарияти томонидан зарур даражадаги талабчанликнинг йўқлиги натижасида ғўза уруғчилиги, янги ва истиқболли навларни яратиш, юқори репродукцияли элита ва навларни сақлаб қолиш, шунингдек, ғўзанинг сифатли уруғлик чигитини тайёрлаш масалаларидаги ишларнинг вужудга келган аҳволи қониқарсиздир.

Ғўзанинг янги ва истиқболли навлари уруғчилиги ва селекцияси билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари, рўйхатдан ўтказилган навлар уруғларини етиштириш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари раҳбарларининг интизоми ва масъулияти пастлигича қолмоқда.

Ғўза уруғларини саноат жиҳатидан тайёрлаш, калибрлаш, дорилаш ва сортларга ажратиш, уруғлик чигитга қўйиладиган бошқа талабларни бажариш билан шуғулланувчи пахта тозалаш заводларини ихтисослаштириш ишлари тубдан яхшилашни талаб қилади.

"Уруғчилик тўғрисида" ва "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги қонунлар талабларига риоя қилинмаяпти.

Дастлабки уруғчилик, янги ва истиқболли навларни синаб кўриш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва уларнинг экспериментал базалари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш ҳамда якуний натижа учун жавобгарлигини ошириш борасида кўплаб ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Бунинг натижасида жойларда ғўзани районлаштириш, чигит экиш ва пахта хомашёси етиштиришда ҳар қайси алоҳида ғўза навига қўйиладиган агротехнологиянинг зарур талаблари ва шартлари таъминланмаяпти.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва ғўза уруғчилигини ташкил этишни яхшилаш, пахта етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғликлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагиларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ғўза селекцияси ва уруғчилиги, истиқболли ва юқори ҳосилли, касалликлар ва зараркунандаларга бардошли, пахта толаси параметрлари халқаро талабларга жавоб берадиган юқори сифатли бўлган навларнинг сифатли уруғларини тайёрлаш масалаларида техника сиёсатини ўтказиш бўйича;

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси, пахта тозалаш заводларининг уруғларни саноат жиҳатидан тайёрлаш, калибрлаш, дорилаш ва сортларга ажратиш бўйича ишлари қониқарсиз деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, биринчи навбатда Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, элита-уруғчилик хўжаликлари раҳбариятининг фаолияти уларнинг якуний иш натижалари бўйича, мазкур ишларнинг пахта етиштирувчи хўжаликларда қандай йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилаётганлиги бўйича баҳоланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ва элита-уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекцияси масаласига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун аниқ жавобгарлигини назарда тутувчи Низомни тайёрласин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Қуйидагилар:

ғўзанинг янги ва истиқболли навларини янада яхшилаш ва дастлабки уруғчилик билан шуғулланувчи экспериментал хўжаликлар рўйхати;

ғўзанинг рўйхатдан ўтказилган навлари уруғини етиштириш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари рўйхати;

ғўзанинг янги ва истиқболли навларини яратиш бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари рўйхати тасдиқлансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), "Ўзпахтасаноат" уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўн беш кун муддатда заводларнинг фақат техника билан жиҳозланганлиги ва тайёргарлигини эмас, балки уларнинг минтақавий жойлашганлигини ва транспорт харажатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича уруғлик чигит етиштиришга ихтисослашадиган пахта тозалаш заводларини белгиласинлар ва уларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

бир ой муддатда 2005-2006 йилларда ихтисослаштирилган заводларни замонавийлаштиришнинг истиқбол дастурини тайёрласинлар, бунда уларни уруғлик чигитни тайёрлаш, калибрлаш, дорилаш ва сортларга ажратиш учун замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Ўзстандарт" агентлиги бир ой муддатда ғўза уруғини сертификациялашнинг амалдаги тартибини қайта кўриб чиқсинлар ва уни белгиланган тартибда қайта тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 декабрь.

## 26 декабрь
## Халқ. Демократия. Сайловлар



*Шу кунларда Янгийўл туманидаги 806-участка сайлов комиссиясида бўлсангиз, ажиб бир гавжумликни кўриб, айни сайлов кампанияси ҳақиқий сиёсий воқеликка айланганига шубҳа қилмайсиз. Шунинг самараси бўлса керак, сайловчилар депутатликка номзодлар билан учрашувларда анча фаоллик кўрсатишмоқда.*

**СУРАТДА: мазкур участка сайлов комиссияси аъзоси Тўхтасин Маҳаматуллаева (чапдан ўнгга) сайловчилар даврасида.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 41-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси* ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки,

сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни ташкил этиш саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли участка сайлов комиссиясига кела олмаган фуқаролар учун истисноли ҳолларда амалга оширилади;

сайловчилар турган жойида овоз беришни амалга оширишда участка сайлов комиссиясининг камида уч ёки икки аъзосининг иштирок этиши шарт;

сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни амалга оширишда ташвиқот юритиш тақиқланади.

2. Участка сайлов комиссиялари сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этишда мазкур Йўриқнома талабларига оғишмай амал қилсинлар.

Белгилансинки, мазкур Йўриқномада назарда тутилмаган ҳолларда сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этишга йўл қўйилмайди.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг котиби О.Соатов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси**

**Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 декабрь.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

***23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.***

***Мажлисда якуний босқичга кирган сайлов кампанияси сайлов қонунчилиги талаблари доирасида, демократия, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида ўтаётгани таъкидланди. Сайлов жараёнининг барча босқичларида хорижий давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари иштирок этмоқда.***

Сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини яширин ва эркин ифода этиши учун шарт-шароит яратиш борасида чоралар кўрилмоқда. Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда сайловчиларни турган жойида овоз беришни ташкил этиш тўғрисида"ги Йўриқномани тасдиқлади. Жумладан, Йўриқномада сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни ташкил этиш саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли сайлов участкасига кела олмайдиган фуқаролар учун истисноли ҳолларда амалга оширилиши белгиланган.

Сайловчи турган жойида овоз беришни амалга ошириш чоғида участка сайлов комиссиясининг камида уч ёки икки аъзоси иштирок этиши шарт.

Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни амалга оширишда ташвиқот юритиш тақиқланади.

Мажлисда сайлов кампанияси даврида сайлов қонунчилиги талабларининг бузилиш ҳоллари билан боғлиқ ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Марказий сайлов комиссияси етти нафар Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни ушбу мақомдан маҳрум қилганлиги қайд этилди. Сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги қонун нормаларини бузиш, хусусан, сайловчиларга бепул товарлар бериш, сиёсий партиялар юқори органлари қарорларини бажармаслик ва бошқа ҳолатлар шундай қарор қабул қилиш учун асос бўлди.

Шунингдек, мажлисда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги округ сайлов комиссиялари раисларининг парламент қуйи палатаси сайловини ўтказишга тайёргарлик масалалари бўйича ҳисоботлари тингланди.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 23 декабрдаги 234-сонли қарори билан тасдиқланган*

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда сайловчиларни турган жойида овоз беришни ташкил этиш тартиби тўғрисида

## ЙЎРИҚНОМА

1. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига мувофиқ, айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойида ташкил этишни топширади.

2. Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни ташкил этиш саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли участка сайлов комиссиясига кела олмаган фуқаролар учун истисноли ҳолларда амалга оширилади.

3. Сайловчилар овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойида ташкил этишни сўраб, участка сайлов комиссияси ташкил этилгандан сўнг исталган вақтда, сайлов кунида эса овоз бериш вақти тугашига кечи билан икки соат қолгунча мурожаат қилишлари мумкин.

4. Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг ёзма ёки оғзаки шаклдаги билдирган илтимосига биноан, бу шахсларнинг сайлов куни турган жойида овоз беришини ташкил этади.

Сайловчилар турган жойида овоз беришни амалга оширишда участка сайлов комиссиясининг камида уч ёки икки аъзосининг иштирок этиши шарт.

5. Участка сайлов комиссияси аъзолари сайловчилардан тушган илтимослар сонига мувофиқ равишда бюллетенларни олишади. Бунда мурожаат қилган сайловчилар фамилияси сайловчилар рўйхати алоҳида иловасига киритилади. Сайловчилар рўйхатига ушбу илова сайловчилар турган жойига бораётган участка сайлов комиссияси аъзоларида бўлиши лозим.

6. Сайловчиларнинг мурожаатларига асосланмаган ҳолда ўзбошимчалик билан сайловчилар турган жойига улар томонидан овоз беришни амалга ошириш мақсадида ташриф буюришга йўл қўйилмайди.

7. Сайловчилар турган жойида овоз беришни ўтказиш учун бораётган участка сайлов комиссияси аъзолари ихтиёрида муҳрланган кўчма сайлов қутиси бўлиши лозим.

8. Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни амалга оширишда ташвиқот юритиш тақиқланади.

9. Сайловчи турган жойига участка сайлов комиссияси аъзолари келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

10. Сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этиш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

*Халқаро кузатувчи — таҳририятимиз меҳмони*

## «Мамлакатингиз кўзлаган буюк мақсадларига эришади»

**— дейди Ҳиндистонда чиқадиган «Фронтлайн» журнали бош муҳаррири ўринбосари Жон Чериан**

Мамлакатимизда сайловлар бошланишига саноқли кунлар қолмоқда. Ушбу сиёсий тадбир муносабати билан юртимизга кўплаб хорижлик меҳмонлар, халқаро кузатувчилар ташриф буюришмоқда. Улар Марказий сайлов комиссияси, сайлов округи ва участкаларида бўлиш билан бир қаторда Ўзбекистон ҳаёти, мустақиллик йилларида олиб борилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишишмоқда.

Кеча ана шундай меҳмонлардан бири — Ҳиндистонда чоп этиладиган «Фронтлайн» журнали бош муҳаррири ўринбосари Жон Чериан таҳририятимизда меҳмон бўлди. Жон Чериан — халқаро журналист. Ўз фаолияти давомида Европа, Америка, Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бўлган.

Суҳбат чоғида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири А. Усмонов ҳурматли меҳмонга мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар жараёнида амалга оширилган ишлар, бу кампанияда иштирок этаётган партиялар дастурлари ҳамда мазкур сиёсий тадбирнинг Ватанимиз тараққиёти учун ўта муҳимлиги ҳақида атрофлича сўзлаб берди. Шунингдек, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, бу борада эришилган ютуқлар, хусусан, таълим соҳасидаги туб ўзгаришлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, маҳалла тизимининг ривожланиши, болалар спорти ва умуман, юртимизда спортга берилаётган эътибор ҳақида билдирилган фикрлар ҳиндистонлик меҳмонда катта қизиқиш уйғотди. Меҳмон мамлакатимиз спортчиларининг шу йил ёзда Афинада бўлиб ўтган Олимпиадада эришган ютуқлари, ўзбек ўғлони Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини қўлга киритганидан ҳайратда эканини таъкидлади.

Жон Чериан тажрибали журналист ва фаол инсон сифатида Ўзбекистонда сайлов жараёнининг оммавий ахборот воситаларида, хусусан, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида ёритилиши билан ҳам қизиқди.

Суҳбат асносида ҳиндистонлик меҳмон сўнгги пайтларда ўз юртида Ўзбекистон ва унинг тараққиёти билан боғлиқ мақолаларни ўқиганини, мана шу ривожланишнинг тасдиғини ўз кўзи билан кўриш учун Ўзбекистонга келганини билдирди.

— Аввалабмор, айтиш лозимки, Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим ўрин тутади, — деди Жон Чериан. — Дастлабки кузатишларимдан аёнки, юртингиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, умуман, барча соҳалардаги катта ижобий ўзгаришлар менда ёқимли таассурот уйғотди. Таҳририятингизга, қолаверса, бутун ўзбек халқига меҳмондўстлиги учун катта миннатдорлик билдираман. Ишончим комилки, улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон келажакда ўз олдига қўйган барча мақсадларига эришади.

**Ўз мухбиримиз.**

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ж.РАУПОВ).***

"Sen yolg`iz emassan" республика болалар жамоатчилик жамғармаси ва "Young nak" /АҚШ/ халқаро инсонпарварлик жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Шартномани "Sen yolg`iz emassan" республика болалар жамоатчилик жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси Лола Каримова ва "Young nak" халқаро жамғармаси директорлари кенгаши раиси Ким Енг Су имзолади.

"Sen yolg`iz emassan" республика болалар жамоатчилик жамғармаси етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг соғлиғи реабилитацияси ҳамда махсус билим олишига кўмаклашиш билан шуғулланади.

"Young nak" халқаро инсонпарварлик жамғармаси нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилоти ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ваколатхонаси — "Енграг" халқаро инсонпарварлик жамғармаси фаолият юритмоқда. Жамғармалар ёрдамга муҳтож етим болалар, ота-она қаровисиз қолган ва ногирон болаларга ёрдам бериш борасида ҳамкорлик қилмоқда.

Амалий тажрибага эга икки ташкилот ҳамкорлик тўғрисида шартномани имзолаш билан янада самарали фаолият юритиш, етим ва ногирон болаларга ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Шартномани имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Инамова, Р.Қосимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Пурнелл, Корея Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мун Хаёнг иштирок этди.

**Адолатли сайловлар - демократия кўзгуси**

# 26 декабрь
## Халқ. Демократия. Сайловлар

**Бир неча кундан кейин — 26 декабрда юртимизда илк бор икки палатали парламентга ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Бошқача айтганда, сайлов кампаниясининг ҳал қилувчи палласида — овоз бериш куни арафасида турибмиз.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан ушбу улкан ижтимоий-сиёсий воқеага тайёргарликнинг ҳозирги масъулиятли босқичидаги вазифалар ҳақида суҳбатлашдик.**

# САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯ ТИМСОЛИ

— Сайловолди жараёнининг айни пайтдаги долзарб вазифалари ичида, аввало, сайловчиларнинг рўйхатлари билан боғлиқ масала ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқдир, — деди Б.Мустафоев. — Зеро, фаол сайлов ҳуқуқига эга фуқароларнинг рўйхатлари, биринчидан, уларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, иккинчидан, фуқароларни ўзлари ҳақида рўйхатда қайд этилган маълумотлар билан таништириш, бу маълумотларга аниқлик киритиш, овоз беришни ўтказиш ва натижаларини аниқлаш каби сайлов жараёнининг муҳим мақсадларини амалга оширишга қаратилгандир.

Ўтган ҳафтада участка сайлов комиссиялари ана шу рўйхатлар билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этдилар. Қонунда белгиланганидек, сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, яъни шу йил 11 декабрдан эътиборан сайлов участкаларида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинди. Ушбу рўйхатларга сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилди. Бундай муассасаларда, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида, қонун талабларидан келиб чиқиб, сайловчилар рўйхати сайловга етти кун қолганида, яъни 19 декабрда танишиш учун тақдим этилди.

Сайлов кампанияси бошланишиданоқ ҳар бир участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхатлари билан танишиш имконияти таъминланиши, бунда рўйхатлар танишиш учун қулай ва яхши ёритилган жойларда жойлаштирилиши зарурлигига тегишли мутасаддилар эътиборини қаратиб келаяпмиз.

Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида, сайлов куни эса дарҳол бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиялари жойларда сайловчиларнинг бу борадаги ариза ва шикоятларига алоҳида эътибор билан қарашлари керак, токи уларнинг биронтаси ҳам жавобсиз қолмасин. Акс ҳолда, фуқароларимиз сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан судга шикоят қилишга ҳақли эканликлари қонунда белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, сайловчилар рўйхатига дахлдор айрим жиҳатларни ҳам эслатмоқчиман. Яъни, участка сайлов комиссияси раиси ва котиби имзолаганидан кейин сайловчилар рўйхатидан фуқарони ўчириш фақат тегишли органлардан олинган маълумотлар асосидагина амалга оширилади. Овоз бериш тугалланиб, овозларни санаш бошлангандан кейин эса сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш ман этилади.

**— Яқинда Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинди...**

— Ҳа, сайловчига сайловда овоз бериш учун тақдим этиладиган ва унинг томонидан шахсан тўлдириладиган, сайловчининг хоҳиш-иродаси ифодасини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ушбу ҳужжатларнинг намунаси ва шаклини белгилаш Марказий сайлов комиссияси ваколатига киради.

Эътибор берган бўлсангиз, бу галги сайловларда фойдаланиладиган сайлов бюллетени ва варақаси аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, улар махсус ҳимояга эга қоғозда чоп этилган. Иккинчидан, уларни тўлдириш тартиби аввалгисига ўхшамайди.

Бурунги сайловларда сайловчи ёқлаб овоз берадиган депутатликка номзоддан бошқа барча номзодларнинг сайлов бюллетенидаги ёки сайлов варақасидаги фамилияси ўчирилар эди.

Бу галги сайлов жараёнида янги тасдиқланган намуналарга мувофиқ, сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг рўпарасига — бюллетень ёки сайлов варақасининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги-крестик қўяди. Бундай белги биттадан ортиқ катакчаларга қўйилган бўлса, у ҳолда бюллетень (ёки сайлов варақаси) ҳақиқий эмас, деб топилади.

Шундай қилиб, эндиликда сайлов бюллетени ва сайлов варақаларини тўлдириш техникаси анча осонлаштирилган ва у қалбакилаштиришдан ишончли тарзда ҳимоя қилинган.

Айни чоғда ушбу сайлов ҳужжатларининг жойлардаги техник жиҳатдан мақбул жиҳозланган матбаа корхоналарида округ сайлов комиссияларининг қарори асосида ҳамда кузатуви остида, бюллетень ва варақа чоп этиладиган махсус ҳимояга эга қоғозларда тайёрланиши ташкилий-молиявий жиҳатлардан пухта таъминланди.

Сайлов бюллетенлари асосан давлат тилида нашр этилди. Шу билан бирга, бу галги сайловларда округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан уларнинг муайян қисми сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда, хусусан, рус ва қорақалпоқ тилларида ҳам тайёрланади.

Қонун талаблари бюллетенларнинг 23 декабрга қадар участка сайлов комиссияларига етказиб берилишини тақозо этади. Бюллетенларнинг сайловдан уч кун олдин участкаларга етказиб берилиши бежиз эмас. Бу муддат ҳар бир бюллетенга участка сайлов комиссияси муҳрини ва икки нафар аъзо имзосини қўйиб чиқиш учун кўзда тутилган. Негаки, комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

Ўз галида, бюллетенларни сайлов бошланадиган кунга қадар участкада сақлаш масаласи келиб чиқади. Бюллетенлар участкада сақланиши даврида бино махсус қўриқланмоғи, бюллетенларнинг ўзи эса темир сейфларда сақланмоғини таъминлаш зарур бўлади.

***— Овоз бериш жараёни ҳақида ҳам тўхталсангиз.***

— Овоз беришга келсак, у сайлов куни — 26 декабрда соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Айтиш жоизки, участка сайлов комиссиялари овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида, қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, сайловга камида ўн кун қолган муддатдан эътиборан сайловчиларни хабардор қилишга киришганлар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча округ ва участка сайлов комиссиялари эътиборини ушбу йўналишдаги қонун талаблари ижросини қатъий таъминлаш зарурлигига қаратмоқчиман.

Аввало, сайлов участкалари сайловчилар узлуксиз овоз беришларини таъминлаши зарур. Фуқароларимиз ортиқча вақт сарфламай, навбатда туриб қолмай овоз бериб кетишлари учун барча шароитлар яратилган бўлиши керак.

Яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган, улар яхши ёритилган, иш столчалари билан жиҳозланган, ёзув ручкалари билан таъминланган бўлиши керак. Сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилиши даркор.

Белгиланганидек, сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейингина унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов куни бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчининг фамилияси унинг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилиши лозим.

Ҳарбий қисмларда, терговхибсхоналарида ва касалхоналарда овоз беришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Бу ерлардаги сайлов участкаларига овоз бериш учун зарур барча ҳужжатларни ўз вақтида етказиш, сақлаш, сайловчиларга тарқатиш, яширин овоз бериш учун тегишли шарт-шароит яратилмоғи шарт.

Бундан ташқари, сайлов куни участкалар нафақат муқим, шу билан бирга кўчма сайлов қутилари билан ҳам жиҳозланган бўлиши зарур.

***— Кўчма сайлов қутиларининг аҳамияти нимада?***

— Кўчма сайлов қутилари участка комиссияси биносидан ташқарида овоз беришни ташкил этиш учун мўлжалланган. Бундай қутилар сони иккитадан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Гап шундаки, сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизда сайловчилар рўйхатига киритилган, аммо саломатлигининг яхши эмаслиги, ногиронлиги ва бошқа шу каби узрли сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчиларнинг овоз беришда иштирок этиш имкониятини таъминлаш амалиёти ҳам кўзда тутилган.

Участка комиссияси биносидан ташқарида овоз бериш тартиби фақат овоз бериш кунида ва фақат фуқаронинг шундай имконият яратиб беришни сўраб тақдим этган ёзма аризаси ёки оғзаки, жумладан, бошқа шахслар орқали етказилган мурожаати асосида амалга оширилади.

Сайловчи бундай ариза ёхуд мурожаат билан участка комиссияси шакллантирилгандан кейин ҳар қандай пайтда мурожаат этиши мумкин. Участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Сайлов участкаси биносидан ташқарида овоз беришни участка аъзоларидан камида икки киши амалга оширади. Фуқароларнинг илтимосига биноан борадиган участка комиссияси аъзолари комиссияда олдиндан муҳрланган кўчма сайлов қутиси ва тегишли миқдорда белгиланган намунадаги сайлов бюллетенларини ўзлари билан бирга олишлари керак.

Кези келганда, сайлов куни ўз турар жойида бўлмайдиган ва участка комиссиясига кела олмайдиган сайловчининг олдинроқ овоз бериш имкониятини таъминлаш институти ҳақида ҳам қисқача тўхталсам. Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини — эътибор беринг, сайлов бюллетенини эмас — сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган варақани конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин.

Сайловчига олдинроқ овоз бериш имконини яратадиган узрли сабаблар қаторига таътил, хизмат сафари, меҳнат ва таълим фаолияти режими, давлат ва жамоат олдидаги мажбуриятларини бажариш, саломатлигининг яхши эмаслиги кабилар киради. Бунда сайловчининг бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. 26 декабрь куни, овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар сайлов қутисига ташланади.

Қонунчиликда сайлов комиссияси биносидан ташқарида овоз беришни, шунингдек, муддатдан олдинроқ овоз беришни амалга ошириш чоғида ҳам хоҳиш-ирода ифодаси яширинлигига амал қилиш кафолатлари белгиланган. Овоз беришнинг яширинлиги — фуқаронинг хоҳиш-иродаси ҳар қандай йўл билан назорат қилиниши мумкинлигини истисно этувчи, унинг берган овози натижалари бошқа шахсларга ошкор қилинмаслигини кафолатловчи конституциявий тамойилдир.

Ушбу принцип фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини билдириши эркинлигини таъминлайди. Ҳеч ким фуқарони муайян номзодни ёқлаб ёхуд унга қарши овоз беришга мажбур этиши мумкин эмас. Яширин овоз бериш принципининг сайлов комиссиялари аъзолари, мансабдор шахслар томонидан бузилиши айбдорларнинг жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

***— Сайлов куни ташвиқотга йўл қўйилмаслигига доир қоиданинг ижроси қандай таъминланади?***

— Яхши эслатдингиз. Қонун талабига кўра, сайлов куни ташвиқотга йўл қўйилмайди. Демак, сайлов участкалари ҳудудига илиб қўйилган ва депутатликка номзодларга тегишли бўлган барча плакатлар, варақалар 25 декабрь куни кечқурун олиб ташланмоғи даркор.

Сайлов участкаси жойлашган бино ичида ёки унинг олдида участка комиссияси томонидан жиҳозланган махсус стенд мавжуд бўлиши керак. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир маълумотлар акс этмоғи жоиз. Хусусан, стендда рўйхатга олинган барча депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотлар илиб қўйилиши мумкин. Ушбу маълумотлар, қоида тариқасида, номзодларнинг таржимаи ҳолидан иборат бўлиб, уларда сайловолди ташвиқоти унсурлари акс эттирилмаслиги керак.

Участка жойлашган бино олдида ва ичида сайловчиларни бирор-бир номзодга овоз беришга ишонтиришга ҳаракат қилинишига йўл қўйилмаслиги, жамоат тартибини сақлаш чоралари олдиндан кўрилган бўлиши лозим.

Бир сайловчи икки марта, яъни такроран кабинага кириб овоз бериши, бир оила аъзоси ушбу оиланинг бошқа аъзолари учун овоз бериши ҳолатларига қатъиян барҳам бериш керак. Овоз бериш жараёнида ёрдамга муҳтож бўлганларга бетараф киши қарашиб юбориши мумкин. Бошқа барча ҳолларда сайлов кабинасида сайловчининг фақат бир ўзи бўлиши таъминланиши шарт.

Дарвоқе, сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади.

Сайлов қутиларини муҳрлашда депутатликка номзодларни кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этишлари мумкин.

**— Бу галги сайловларда қанча кузатувчи иштирок этиши кутилмоқда?**

— Мамлакатимиздаги сайлов жараёнларини жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Бу, аввалambор, сайловларни қонун доирасида, эркин, очиқ ва ошкора, холис ва ҳалол ўтказиш мақсадида ташкил этилган халқаро анжуманларимизда қарийб ўттиз демократик давлат ва нуфузли халқаро ташкилотдан вакиллар, кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар фаол иштирок этганида яққол намоён бўлди.

Юртимиздаги сайлов жараёнларини кузатиб борувчи хорижий ва халқаро кузатувчилар қаторида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидан 22 нафар кузатувчи, яъни Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Швеция, Германия, Греция, Канада, Норвегия, Дания, Буюк Британия, Болгария, Хорватия, Италия, Польша вакиллари бор.

Бундан ташқари, Осиё ва Африка давлатларидан, хусусан, Миср, Исроил ва Ҳиндистондан 19 нафар, Осиё-Тинч океани минтақасидаги Япония, Хитой, Корея Республикаси, Малайзия, Индонезиядан 34 кузатувчи, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти вакиллари, Америка қитъаси мамлакатларидан 8 нафар, Европа қитъасидан 30 кузатувчи ҳамда 22 журналист, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлардан 49 кузатувчи иштирок этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида жами 200га яқин хорижий кузатувчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг бир қисми мамлакатимизга етиб келган ва жойларда ўз фаолиятини бошлади.

Маҳаллий кузатувчиларга келсак, агар қарийб 8 минг 100 сайлов участкасининг ҳар бирида бешта сиёсий партиядан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан, оммавий ахборот воситаларидан биттадан кузатувчи қатнашса, бундан ташқари, юқори турувчи сайлов комиссиясидан вакил иштирок этишини ҳисобга олсак, мамлакатимиз бўйича маҳаллий кузатувчиларнинг сони 60 минг нафарга яқинлашиб қолади.

Кузатувчилар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда, шунингдек, бинодан ташқарида овоз бериш жараёнида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Миллий қонунчилик ҳамда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида низом" ҳам ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Мен кузатувчиларнинг масъулияти ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Аммо бир жиҳатга эътибор қаратишни истардим. Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмасликлари, айниқса, сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштирмасликлари керак.

Айтмоқчиманки, ҳар биримиз, юқорида таъкидлаганимдек, яширин овоз бериш принципига ва умуман, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига ҳурмат билан ёндашайлик ҳамда ушбу ҳуқуқ дахлсизлигига амал қилайлик.

Биз демократик давлат қураяпмиз, фуқаролик жамияти асосларини шакллантираяпмиз. Сайлов эса демократия кўзгуси, демократия тимсоли, демакдир.

Шундай экан, сайловни ўтказиш бўйича барча мутасаддилардан олдимизда турган улкан ижтимоий-сиёсий тадбирни очиқ ва ошкора, ҳаққоний ва ҳалол, халқчил ва демократик руҳда ўтишини таъминлашни, сайловчиларга ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда кўмаклашишни, сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий амал қилинишини назорат этиб боришни такроран сўрайман.

Сайлов куни овоз берадиган ватандошларимизни эса Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назаридаги обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг халқаро андозаларга нечоғли ҳамоҳанг эканини яна бир бор синовдан ўтказадиган ушбу муҳим сиёсий воқеа — сайловларни юксак даражада ўтказиш учун фаолликка даъват этаман.

**Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**

---

# «ЮРТИНГИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР МЕНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ»

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасига илк бор ўтажак сайловни кузатиш учун жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар келиши кутилмоқда. Бу эса сайлов ошкора ва очиқ, адолатли ва демократик тарзда ўтишини ҳар томонлама таъминлашда муҳим омил бўлади.***

*Кузатувчи нигоҳи*

— Мамлакатингизда сайловга пухта тайёргарлик кўрилаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлар мактаби маърузачиси Ширин Акинер. — Бу ўта муҳим сиёсий тадбир юқори савияда ўтиши учун тегишли шарт-шароит яратилган. Бир сўз билан айтганда, сайлов Ўзбекистон учун беҳад катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатингизда кенг қамровли ҳаётбахш ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилаётганининг шоҳиди бўлдим.

Ўзбекистон ўзининг бой тарихи билан дунёга машҳур. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча соҳаларда рўй берган демократик ўзгаришларни кўриб, лол қолдим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига шубҳа йўқ. Унинг буюк келажаги, аввалambор, зукко ва серғайрат, соғлом ва салоҳиятли ёшларидир. Юртингизда бўлишим асносида кўплаб ёшлар билан учрашдим, уларнинг суҳбатидан дилим қувнади, покиза орзу-умидлари ва юксак мақсад-муддаоларни кўзлаб яшашларига ҳавасим келди. Бунга Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари, профессор ҳамда ўқитувчилари билан учрашувда яна бир бор амин бўлдим.

Тошкент менда ғоят унутилмас таассурот қолдирди. Азим шаҳарнинг меҳмондўст одамлари, ноёб меъморчилиги ҳамда янги қурилишлари, озодалиги ва саришталиги ҳар қандай кишининг баҳри-дилини очади.

**Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

---

*Алеш ФОЙТИК:*

# «ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ КУЧАЙТИРАДИ»

***Юртимизда ўтажак парламент сайлови арафасида ЎзА мухбири Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Алеш ФОЙТИК билан учрашди.***

— Чехия Республикасида қонунчилик тизими бирмунча бошқа шаклга эга, — деди элчи. — Барча қонун ҳужжатлари ҳукумат томонидан ишлаб чиқилади. Парламент эса уларни тасдиқлайди.

Чехия парламентининг Депутатлар палатаси ҳудудий партия сайлов округларидан 4 йилга сайланадиган 200 аъзога эга. Юқори палата ҳисобланган Сенат эса 6 йил муддатга сайланадиган 81 вакилдан иборат.

**— Икки палатали парламентнинг Ўзбекистон тараққиёти учун аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?**

— Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимининг шакллантирилиши демократик жараёнларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Профессионал парламентнинг юзага келиши олий вакиллик органининг мамлакат сиёсий ҳаётида янада фаол иштирокини таъминлайди.

Янги парламент Ўзбекистонда халқнинг сиёсий фаоллигини оширишда ва фуқаролик жамиятини яратишда ўзига хос муҳим омил бўлади.

**— Ўзбекистон ва Чехия парламентлари ўртасидаги муносабатлар тўғрисида фикрингиз қандай?**

— Бугунги кунда парламентлараро алоқалар икки мамлакат ҳамкорлигида асосий йўналишлардан бирига айланмоқда. 2003 йилнинг июнь ва ноябрь ойларида Чехия Республикаси Сенати ташқи алоқалар, мудофаа ва хавфсизлик ҳамда иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва транспорт масалалари бўйича қўмиталарининг раислари Ўзбекистонда бўлиб, Олий Мажлис вакиллари билан учрашган эдилар. Бу қонунчилик соҳасидаги икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим қадамлардан бўлди.

Икки мамлакат парламенти аъзолари ўртасидаги доимий мулоқот ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар истиқболи учун янги имкониятлар яратади, деб ишонаман.

**ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ суҳбатлашди.**

---

*Янги нашр*

# «Оила» оилангизда

Оила... Сир-синоатларга тўлиқ қалъа. Унинг фаровон, файзли ва барокатли бўлишини истамаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Бироқ ҳаёт нафақат бахтли кунлардан иборат, балки ўзига яраша зиддиятлари, келишмовчилигу қарама-қаршиликлари ҳам борки, айрим ёш оилалар ана шу қийинчиликлар олдида эсанкираб қоладилар.




Тандирдан янги узилган нон янглиғ ўқувчиларга тақдим этилган "Оила" журналини ўқисангиз, ана шу муаммоларга ечим топасиз. У сизнинг маслакдошингиз, яқин дўстингиз ва суҳбатдошингизга айланмоғи шубҳасиз.

"Оила" журнали мамлакатимиздаги салкам беш миллион оилада яратувчанлик меҳнати билан банд бўлган фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг оилавий ҳаётнинг мураккаб масалаларига оид пайдо бўладиган кўплаб саволларига жавоб беради. Журналнинг илк саҳифаларида бош муҳаррир В. Каримованинг "Оилани ардоқлаган эл", С. Инамованинг "Хотин-қизлар ташкилотлари: истиқболдаги режалар", Л. Каримованинг "Рекламада аёл ва эркак тимсоли", С. Хўжаеванинг "Хотин-қизлар сиёсий фаоллиги", шунингдек, бошқа муаллифларнинг "Қўша-қариганлар", "Оилада муросаю мадора" сингари ўндан зиёд мавзулардаги мақолалар борки, у оилани шакллантириш, унинг мустаҳкамлигини сақлаш ва турмуш чорраҳаларида учрайдиган тўсиқларни енгишда ёш оилалар учун дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика "Оила" илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги нашри — "Оила" Ўзбекистондаги ҳар бир оилага илм билан суғорилган маърифат, самимият билан йўғрилган иliқлик олиб киради, деган умиддамиз.

---

*Хушхабар*

# Европадан медаллар билан

Словениянинг Трбовлже шаҳарчасида 12-17 ёшли ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган «Trbovlje -2004» халқаро турнирида мамлакатимиз каратэчилари муваффақиятли иштирок этишди.

Италия, Германия, Чехия, Хорватия, Россия, Латвия, Аргентина каби каратэ спорти ривожланган 14 та давлатдан келган 520 нафарга яқин спортчи қатнашган мусобақада ҳамюртларимиз иккита олтин ва учта бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

Якка кумитэ баҳсларида ёш иқтидорли каратэчиларимиз — наманганлик Достон Турғунов ва сурхондарёлик Бобур Давлатовлар халқаро турнирнинг олтин медалларини қўлга киритдилар.

Халқаро турнирда Миллий тоифадаги ҳакамларимиз М. Голованов ва Б. Раҳмоновлар халқаро тоифадаги ҳакамлик квалификацияларини ошириб қайтишди.

# Устозни ёд этиб

Пойтахтимиздаги республика Олимпия заҳиралари спорт коллежида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон очиқ биринчилиги ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Юрий Арутюнянц хотирасига бағишланган халқаро турнирга старт берилди.

Мусобақада мамлакатимиз вакилларидан ташқари, қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидан келган спортчилар иштирок этмоқда.

Қозоғистонлик Осиё чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби Давлат Холметов, ўзбекистонлик Олимпиада ўйинлари қатнашчиси Фурқат Саидов, Осиё биринчиликлари совриндорлари Искандар Маминбеков, Саломат Нуруллаев ва Акобир Усмонов сингари номдор спортчиларнинг иштирок этаётганлиги мусобақаларнинг муросасиз ўтишидан дарак бермоқда.

Ғолиблар номи эртага маълум бўлади.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**



## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

# Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб

**Қашқадарё — мамлакатимиздаги салоҳияти юқори, имкониятлари катта вилоятлардан бири. Бу ерда амалга оширилаётган меҳр-мурувват тадбирларининг кўлами ҳам шунга яраша. «Муборакнефтгаз», «Шўртангаз» унитар шўъба корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи каби бақувват жамоаларни-ку қўяверинг, саховатпеша тадбиркорлару қалби меҳр-мурувватга тўла оддий инсонларнинг ҳимматини айтмайсизми!**

**Меҳр-мурувватнинг чегараси борми ўзи? Автобусда қарияга, ногиронга ёки болали аёлга жой бўшатиб бериш, оғир тўрхалталарни қийналиб кўтариб келаётган қўшнининг юкини қўлидан олиш ҳам ҳиммат. Биз учун бу оддий нарса.**

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги туфайли йўл солиш, кўприк қуриш, мактабларни таъмирлаб бериш каби катта ишлар ҳам одатий ҳолга айланиб бораяпти. Бу эса халқнинг дилидагини топиб айтиш, унинг интилишларига бош-қош бўлиш қанчалар хайрли эканлигини яна бир бор исботлади. Вилоятда 2004 йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида ушбу йўналишда амалга оширилган ишларнинг салмоғидан эса кўз қувонади, дил яйрайди.**

## Ишсизликни камайтиришнинг ишончли омили

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида оиланинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, яъни ишга ярокли аъзоларнинг муқим иш билан бандлиги катта аҳамиятга эга. «Меҳр-мурувват йили» дастурида бу ижтимоий масалага алоҳида эътибор берилганлиги ҳам бежиз эмас.

Вилоятда «Оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш концепцияси» ишлаб чиқилган ва унинг изчил амалга оширилиши натижасида янги иш ўринлари барпо этиш суръати ошди. Бугунги кунда вилоятда янгидан иш билан таъминланган аҳоли сони 50,1 мингга етди. Янги ишчи ўринлари яратиш учун 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

### Оилавий бизнес

— Тоғ ва тоғолди ҳудудлари ҳамда лалмикор деҳқончилик билан шуғулланувчи туманларда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамиша катта муаммо бўлиб келган, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Шарофиддин Назаров. — Бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида бу муаммо янада кескинлашди. Шуни ҳисобга олиб, концепцияда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш имконияти кам бўлган бу ҳудудлардаги аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, ҳуқуқий мақомга эга деҳқон хўжаликлари ташкил этиш бўйича алоҳида тадбирлар кўрилди. 2004 йилнинг ўтган ўн ойида 4845,9 гектар ер кам таъминланган оилаларга деҳқон хўжалиги юритиш учун берилди. Шу йўл билан 41,5 минг киши иш билан таъминланди.

Вилоятда оилавий тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтиришга эътибор ошмоқда. Бу йил оилавий бизнес билан шуғулланиш орқали 6714 киши доимий даромад манбаига эга бўлди. Кичик бизнесни ривожлантириш учун вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳузуридаги Бандлик жамғармасидан 1 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилди. Бу маблағ асосан Деҳқонобод, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Ғузор ва Қамаши туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун сарфланди. Йил охиригача кредит миқдорини 1,5 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўшанда яна 2,5 мингга яқин кам таъминланган оила ўзининг кичик бизнесига эга бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлашда шаҳар ва туманларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. 2004 йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида 77 та меҳнат ярмаркаси ўтказилди ва 4,6 минг киши ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, ишсизларни янги касбга ўргатиш, касб малакасини ошириш учун ташкил этилган махсус ўқув курслари ҳам яхши самара бераяпти.

Шуни тан олиш керакки, ҳозирги вақтда ишчи кучларининг ўсиш жараёни иш ўринларининг барпо этилишига нисбатан жадалроқ кечмоқда. Натижада доимий иш ўрни ва даромад манбаига эга бўлмаганлар сонини кескин камайтириш қийин кечаяпти. Ҳозир улар вилоят бўйича қарийб 17 минг кишини ташкил этмоқда. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, унинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари бу соҳада жиддий силжишга эришиш учун кичик тадбиркорликни, оилавий бизнесни ҳар томонлама ривожлантиришлари лозим бўлади. Бу масала билан фақат Меҳр ва мурувват йилида эмас, ундан кейинги йилларда ҳам мунтазам шуғулланилади.



*Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонасида ажойиб тадбир ўтказилди. «Мурувват — инсон зийнати» деб номланган бу тадбирни «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими вилоят кутубхонаси билан ҳамкорликда ташкил этди. Дастурда болалар қўғирчоқ театри санъаткорларининг чиқишлари, мультфильмлар намойиши, компьютер сабоқлари бор эди. Болажонлар бу ерда ранг-баранг китоблар олами билан ошно бўлдилар. Ўзаро мулоқотлар тўкин дастурхон устида давом этди.*



**СУРАТЛАРДА: болаларга совға тарқатилмоқда; «Меҳрибонлик уйи» директори Гулсара Раҳмонова болажонлар даврасида.**

**Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.**

## Эт билан тирноқ каби

***Меҳр ва мурувват йилининг дастлабки кунларида Китоб тумани хотин-қизлар қўмитаси ажойиб бир ташаббус билан чиқди. Туманнинг 29 фаол аёли 5-«Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган 30 нафар қизга тутинган она бўлишга қарор қилди.***

Бу кунни туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Лола Ўроқова шундай хотирлайди:

— Ўзим ҳам тўлқинланиб кетдим. Ҳаяжонимнинг чеки кўринмасди. Бир қизларга қарайман, бир оналарга. Сезиб турибман. Улар ҳам ҳаяжонда. «Қай бир қизга оналик қиларканман?» деб ўйлашади аёллар. «Қай бир аёл бошимни силаркан» деб қизалоқлар аёлларга интиқ термулишади.

Биз эса қай бир қиз бириктирилганлигини атайлаб аёлларга сездирмагандик. Ўтказаётган тадбиримизнинг ҳаяжонли, ўзига хос ва унутилмас бўлиши учун шундай йўл тутдик. «Меҳрибонлик уйи» раҳбарияти ҳомий аёлларга уларнинг касбкори ва феъл-атворидан келиб чиққан ҳолда қизларни бириктирганди.

Ниҳоят, ҳаяжонли дамлар бошланди. Тадбир олдидан сухандонлар тарбияланувчи қизларга навбат беришди. Улар онани, Ватанни мадҳ этувчи шеърлардан ўқишди. Натижада таништирув маросими биз кутгандан ҳам таъсирлироқ бўлди.

— Менинг кўнглимга, менинг бағримга хуш келибсан, она қизим! — деди биринчи қизлик бўлган туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Дилбар Усмонова.

— Ўзим юлдузларга интилиб, юлдузларни яхши кўриб яшардим. Қаранг-а, менга Юлдуз қиз бўлаяпти, — дейди ҳаяжон билан «Китоб тонги» газетаси муҳаррири Майсара Ҳайдарова.

— Қизим, улғайиб ўқишга кирганингда ҳам доимо менинг хонадоним сен учун очиқ, ҳар гал таътилда сени кутаман. Турмушга чиқсанг ҳам онанг бўлиб ғамхўрлик қиламан. — Бу туман халқ таълими бўлими услубчиси Хосият Жабборованинг сўзлари.

— Қаранг-а, икки ўғлим бор, Зарина эса қизим бўлади, — дейди боғча мудираси Моҳира Бурҳонова.

Яна бир боғча мудираси Нигора Ибодуллаева «Уч ўғлим бор эди, бугун бир қизлик ҳам бўлаяпман» деган бўлса, Маҳбуба Давлатова «Худди ўзимга ўхшаркан», деди тутинган қизини бағрига босаркан жилмайиб. Туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Муяссар Абдуллаева эса «Меҳрибонлик уйи»да ҳамма нарса етади. Лекин қизларга оналик меҳри зарур» деган фикрларни айтди.

Тўпланганлар Шоҳиста Қодирова номи ўқилганда, бу аёлнинг раъйини қарсаклар билан кутиб олишди. Ахир «Меҳрибонлик уйи»ни қарийб ўн йил бошқарган аёлнинг бу даргоҳга боғланиб қолгани табиийда! У ҳам оналар орасидан ўрин олди.

Хуллас, 30 нафар қизга ҳомийлик қилиб, она-бола тутиниб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватламоқчи бўлган 29 нафар аёлнинг қалбидан ана шундай самимий сўзлар отилиб чиқди. Бу сўзларда эса она юрагининг тафти бор эди.

Тадбир ўтгандан сўнг бу ҳақда эшитиб, қанча-қанча аёллар келишди. Улар ҳам мурувват кўрсатмоқчи эканликларини, имкон бўлса, болаларни фарзандликка олишга тайёр эканликларини билдиришди.

Ҳа, меҳр-мурувватга ташналар бўлгани каби, меҳр-мурувват кўрсатиш истагида бўлганлар ҳам жуда кўп.

Дарвоқе, шу куни Лола Ўроқованинг ўзи ҳам яна бир қизли бўлди. «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Лобар Муҳаммадиевани ўз ҳомийлигига олди. Бугунги кунда 9-синфни битириб, тиббиёт коллежида ўқиётган Лобар тутинган онасиникига бутунлай кўчиб келди.

«Меҳрибонлик уйи» директори Тоштемир Сатторовнинг гувоҳлик беришича, туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси янада кенг қулоч ёйган, туманда раҳбар эркаклар ҳам йиғилишиб, бу ердаги ҳамма ўғил болаларни ўз оталиқларига олишган.

— Ҳомийларнинг болаларга самимий муносабати, ўзаро борди-келди, оила даврасидаги мулоқотлар «Меҳрибонлик уйи»даги муҳитни бутунлай ўзгартириб юборди, — дейди Т. Сатторов. — Ўзим ҳам шу ерда тарбияланганман. Боланинг ота-она меҳрига қанчалик муҳтож бўлишини жуда яхши биламан. Шукурки, турли ёшдаги 100 нафар боламиз қайта бошдан ота-онали бўлди.

Мана, бугуннинг ўзида тадбиркор Сайёра Сатторова келиб тутинган қизи Муҳайё Давлатовадан хабар олди, куртка олиб келибди. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Жаббор Раҳмонов тутинган ўғли Сами Эргашевга туфли олиб келиб берди. Гап совғада эмас, албатта, давлатимиз ҳамма нарсани етказиб бериб турибди. Инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатидан кўра қадрлироқ нарса йўқ. Туманимиз фаолларининг ташаббуси туфайли болаларимизнинг меҳрга ташна қалби эзгулик нурига йўғрилмоқда.

## Ногирон китоб ёзмоқда



Яккабоғ туманидаги «Саховат уйи» бир вақтлар «Қариялар уйи» сифатида ташкил этилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий қадриятларимиз тикланиб, қарияларга эл орасида иззат-ҳурмат, оилаларда ота-онани ардоқлаш туйғуси кучайиб, «Қариялар уйи»га эҳтиёж қолмади. Шундан сўнг «Саховат уйи», яъни бировларнинг доимий кўмагисиз ҳаракатлана олмайдиган ногиронлар бошпанасига айланди.

«Саховат уйи»да истиқомат қилувчилар учун барча шароит яратилган. Шинам хоналар, тоза-озода кийим-кечак, яп-янги жиҳозлар... Булар барчаси давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайли.

— Барча харажатларимиз давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилмоқда, — дейди «Саховат уйи» директори Нўъмон Қурбонов. — Ҳомий ташкилотлар ва саховатли юртдошларимизнинг хайрия маблағлари имкониятларимизни янада кўпайтираяпти. Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳомийлигида 10 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Йил бошидан буён кўрсатилган ҳомийлик ёрдамлари 21 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Меҳр ва мурувват йилининг дастлабки куни бу даргоҳда истиқомат қилувчиларнинг сира ёдидан чиқмайди. Шу куни катта дастурхон атрофида Янги йил тадбири ўтказилиб, тумандаги кўпгина ташкилотларнинг вакиллари совға-салом билан келишди. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев мамлакатимиз Президенти номидан катта экранли «Rojson» телевизорини топширди. «Саховат уйи»да телевизорлар кўп. Лекин бу телевизор бошқача. Кенг айвонга тўпланган ногиронлар Юртбошимизни дуо қилиб, катта экранли телевизорда ўзларини қизиқтирган кўрсатувларни мунтазам томоша қилмоқдалар.

Вилоятдаги саховатли одамлар бу даргоҳга тез-тез қадам ранжида қилиб турадилар. Наврўз кунларида хусусий тадбиркор Гулчеҳра Пиримқулова узоқ йўл босиб, Қарши шаҳридан бу ерга келди. Дошқозон осиб, дастурхон безаб, «Саховат уйи»дагиларга байрам қилиб берди. Ҳолбуки, унинг бу ерда бирор-бир таниши йўқ, ўзини ҳам ҳеч ким билмайди, тоза-покиза ҳиммат сабаб Яккабоғга келди ва қарияларнинг чексиз дуосини олди.

— Мен етти йилдан бери шу ердаман, — дейди 79 ёшли ногирон Ҳуррам Боқиев. — Менга ҳар жиҳатдан қулай. Ҳамма шароит муҳайё. Тенгқурларим кўп. Зерикмаймиз. Айниқса, бу йил бизларга эътибор кучайди. Саховатпеша инсонларнинг қадами узилмайди. Давлатимизга, ҳомийларимизга раҳмат айтамиз.

«Саховат уйи»да истиқомат қилаётган қариялар ва ногиронлар тўлақонли ҳаёт кечирмоқдалар. Улар билан мулоқот қилсангиз, дунёда ва мамлакатимизда юз бераётган воқеалардан, ички ва ташқи сиёсатдан баҳс юритишади, ўз муносабатларини билдиришади, таклифларини айтишади.

Болаликдан ногирон бўлган Қудрат Турсуновнинг қўл-оёқлари ишламайди. Аравачада ҳаракатланади. Лекин ижтимоий жиҳатдан фаол. Туман газетасига мақолалар ёзади. Учта шеърий китоб чиқарган. Ҳозир тарихий мавзудаги асар устида ишлаяпти.

Меҳр-мурувват, саховат, ғамхўрлик бу ерда юзага келган муҳитнинг бош омилидир.

### Рақамлар тилга кирганда

**Вилоятда 2004-2006 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларининг барқарор даромад манбаларини шакллантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Шу мақсадда 20 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.**

- *Жумладан, вилоятда 3438 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ҳисобга олинган. Бу оилаларга доимий моддий ёрдам кўрсатиш учун 931 та ҳомий ташкилот бириктирилган.*
- *Вилоятда 60500 нафар 1-синф ўқувчиси бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан тўла таъминланди. Шу мақсадда бюджетдан 801,6 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 74,1 миллион сўм ажратилди.*
- *Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Рамазон ҳайити муносабати билан ҳомийлар маблағи ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 822 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.*
- *«Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига 268,5 миллион сўм маблағ арфланди.*
- *Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 71107 нафарига 943,8 миллион сўмлик қишки кийим-бош ҳадя сарфланади.*
- *Ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган фуқароларнинг уй-жойларини таъмирлаш ишлари учун ҳомийлар 43 миллион сўм беришди.*
- *2540 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронга 290 миллион сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.*
- *11 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари эвазига кам таъминланган фуқаролар, кексалар ва ногиронларнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳати ташкил этилди.*

## Армонли дунё



Қамаши туманида бир қиз яшайди. Унинг армони — тўшакка михланиб қолганлиги, қўл-оёқларида эрк йўқлиги, бировларнинг доимий ёрдамига муҳтожлиги. Лекин унинг орзулари бир олам...

Дилрабо Бобоқулова 1980 йилда туғилган. У чақалоқлигидаёқ тақдирнинг бешафқат синовига рўбарў келди. Оқибатда бир умрга қўл-оёғи ишламай, ногирон бўлиб қолди. Мактабда ўқиш насиб этмади, онасининг ёрдамида саводини чиқарди. Кўп китоб ўқиди, радио эшитди, телевизор кўрди. Меҳр-оқибатли одамлар билан суҳбат қурди. Ўзи ҳам шеър ва ҳикоялар машқ қила бошлади. Яхши одамларнинг саховати, қўллаб-қувватлаши туфайли учта китоб чиқарди.

Ёзувчи Шарофат Ашурова Дилрабонинг биринчи шеърий китобига ёзган сўзбошисида айтганидек, аёвсиз кўргулик унинг жисмини мажруҳ этсада, қалбини маҳв эта олмади. У тошда кўкарган гул каби юрагини шеър қилиб, одамларга тортиқ этмоққа жазм этди. Инсон бардошдан яралганини Дилрабо яна бир бор исботлади.

Дилрабо — умид ва ишончини, меҳр ва муҳаббатни бошига тож қилиб кўтарган қалб соҳибаси. Ана шу куч ва қудрат унга бир умр йўлдош бўлиб қолишига ишонамиз.

### ВАТАН

***Ватан degани, бу — нимадир ўзи?***
***Ватан, бу — онадир, онадир, она!***
***Ватан — аждодларнинг ўчмаган изи,***
***Ватан, бу — бешикдир, улғайган бола...***

***Ватан, хизматингга ярасам қани,***
***Сенга бахшидадир қалбимдаги сўз.***
***Сенга бахшидадир жоним ҳам таним,***
***Сенда қолдирсайдим, қани, зарра из...***

**Дилрабо БОБОҚУЛОВА.**

## Ота васиятига садоқат

Қарши туманидаги Парғуза қишлоғида бир отахон яшайди. Бу йил роппа-роса 85 ёшга тўлди. Уруш ва меҳнат фахрийси Очил бобо Тошевни элга танитган унинг меҳнати, фидойилиги, одамийлиги. У урушдан сўнг қарийб ўттиз йил вилоятнинг турли туманларида хўжалик раҳбари бўлиб ишлади. Бағрикенглик, меҳрибонлик, жонкуярлик унинг иш услубидаги бош тамойил эди.

... Отахон хонадонига ҳар йили қовун пишиғида Касби туманидан бир меҳмон келади. «Жигули» машинасига албатта бир қўй ва сиққанча қовун босиб олади. Мана, 40 йил бўлаяптики, одатини сира канда қилмайди. Бу кишининг исми-шарифи Шариф Тошев. Невара-чеварали, пири бадавлат инсон. Қорахўжа қишлоғида яшайди. Кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилди. Математикадан дарс берди. Ҳозир эса машҳур полизчи. Ўша атрофда уни ҳамма «Шариф қовунчи» дейди. Полизида қовуннинг хилма-хили бор. Туманда-ку унга тенг келадигани кам. Вилоят, мамлакат миқёсида ҳам ўз қовунларини намойиш этиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Уйидаги музлатгич, иккита телевизор, радиола шу кўрик-танловлардан эсдалик.

У кишининг оталари ҳам бир умр полизчилик қилиб, «Тош қовунчи» номи билан танилган. Хуллас, Тош қовунчи ўлими олдидан катта ўғлига: «Очил Тошев бор экан, умрининг охиригача ҳар йили бир марта зиёрат қиласан» деб васият қилган экан.

— Бу воқеа 1965 йилда бўлган эди, — деб эслайди Очил бобо. — Хўжаликнинг фермасида сенаж бостирилаётган эди. Ҳандақдаги сенаж занжирли трактор билан зичланарди. Тракторчи тушликка келган пайтда қулоғи оғирлашиб қолган бир қария тракторнинг тагига кириб, сояда ухлаб қолибди. Тушлик тугагач, тракторчи тракторни юргизиб юборибди. Чол қурғур эшитмабди ҳам. Занжирли тракторнинг оғирлигини биласиз, одам тирик қоладими? Тўполон бўлиб кетди. Мелиса ҳам, прокурор ҳам етиб келди. Хуллас, ёшгина йигит қамалиб кетадиган...

Маслаҳатлашиб, марҳумнинг қариндошларини чақирдик, оқсоқолларни ўртага қўйдик. Бунинг устига, тракторчи бечоранинг гуноҳи йўқлигини ҳамма билиб ўтирибди. Жамоанинг фикри инобатга олиниб, тракторчи қамоқдан қутулиб қолди. Марҳумнинг дафн маросимини, кейинги тадбирларини хўжалик ҳисобидан ўтказдик. Турмуш ўртоғига хўжаликдан бир умрлик нафақа белгиладик. Худо умр берсин, кампир ҳали ҳам ҳаёт, нафақани олиб турибди. Шу воқеаларнинг сабабчиси ўша машҳур қовунчининг кичик ўғли эди.

Орадан қарийб қирқ йил вақт ўтди. Мен у хўжаликдан чўлдаги бошқа хўжаликларга раҳбарликка ўтиб кетдим. Қаерга борсам, излаб топади. Мана, чорак аср бўлди, нафақадаман. Шариф қовунчига: «Шунча қўй олиб келдинг, бўлди-да, мингдан минг розиман, ҳеч қачон бир нарсага умидвор бўлган эмасман», дейман. У бўлса: «Отам васият қилган, руҳлари норози бўлмасин, бунинг устига, сизни ҳам отам деганман, ўғил сифатида келаман» дейди. Ўзи невара-чеварали бўлибди ҳамки, ота васиятига амал қилади, ота иродасини муқаддас билади. Оллоҳ ҳар кимга шундай солиҳ фарзандлар ато этсин.

**Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» газетаси мухбири Бўри НОРҚОБИЛОВ сафар қилди.**

## Ислоҳот ва самара



***Фарғона шаҳридаги дон маҳсулотлари корхонасида учинчи рақам билан юритилувчи тегирмон аслида тизимда энг кўҳна бўлиб, XX аср бошларида водийда биринчилардан бўлиб ишга туширилган. Ўтган йиллар мобайнида тўнғич тегирмон гоҳ ёнидан, гоҳ ёнбошидан таъмирланди — мурватлари янгиланди. Лекин донни янчиш, элакдан ўтказиш технологияси эскича қолаверди. Қўшни корхоналарда харидоргир, нонвойларга маъқул ун навлари ишлаб чиқарилганда, бу ерда ақалли олий навли ун тайёрлашнинг ҳам имконияти бўлмади. Чунки дастгоҳларнинг тўни янги бўлса ҳам, асосий мурватлари бугунга келиб, ҳам маънавий, ҳам технологик жиҳатдан эскириб улгурган эди.***

***Корхонанинг янги раҳбари (аслида шу ерда оддий ишчиликдан фаолиятини бошлаган) Абдусамад Мамажонов эски тегирмонни замонавий технология билан қуроллантириб, тубдан янгилашга астойдил бел боғлади.***

# УНИ ОЛИЙ — НОНИ ШИРИН

Вилоят маркази, Марғилон шаҳри ва яна тўртта-бешта туманга ун ва ун маҳсулотлари етказиб берувчи бош корхонани тамомила тўхтатиб туриб, таъмирлашнинг иложи йўқ эди. Шу туфайли замонавий ускуналарни, механизмларни ўрнатиш, созлашнинг янгича тизими ишлаб чиқилди.

Швейцариянинг жаҳонга машҳур «Брюллер» фирмасининг Россия-Украинадаги турдош корхоналарида ишлаб чиқарилиб, Ҳамдўстлик мамлакатларида самарали фаолият кўрсатаётган тегирмон дастгоҳлари биржа савдосида тендер асосида нархланиб, сўнгра олиб келинди. Айни буғдой ўрими қизғин паллага кирган, элеваторларга дон тўкилаётган кезларда тегирмонни созлаш, замонавий дастгоҳларни ўрнатишга ҳам жадал киришилди. Мана, шу қизғин ишлар бошланганига етти ой ҳам тўлмай, тегирмон ишга тушиб, дастлабки маҳсулот олинди. Бошқа мамлакатларда худди шундай корхоналарни 1,5-2 йилда бунёд этган хорижлик мутахассислар фарғоналик қурувчилар, муҳандисларнинг ғайратига тасаннолар айтишди.

Қурилиш, созлаш, монтаж, таъмирлаш ишларини асосан фарғоналик мутахассисларнинг ўзлари бажаришди. Ишларни назорат қилиб борган россиялик мутахассислар эндиликда бош пудратчи — 476-қурилиш-монтаж бошқармаси, «Олтин хирмон» ҳамда «Микрон» фирмаларининг бунёдкор созловчилари ва қурувчиларини бошқа мамлакатларда қурилиши мўлжалланаётган объектларга ҳам таклиф этиш истагини яширишмаяпти.

— Фарғоналик қурувчилар ва мутахассисларнинг ишга чин юракдан ёндашишлари, ғайратлари, энг замонавий технологияларни ҳам созлашни тезда ўзлаштириб олганликлари мени ҳайратга солди, — дейди ускуналарни етказиб берган Россиянинг «Инта» компаниясининг менежери Семён Грабер. — Компаниямиз бир қатор Шарқ ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларида шу турдаги корхоналарни бунёд этган. Лекин Фарғонадаги тегирмон ғоят қисқа муддатда ишга туширилганлиги эътиборга сазовордир. Биз ўзбекистонлик шерикларимиз билан алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида келишиб олдик.

Замонавий тегирмонни бунёд этишга «Ғаллабанк» томонидан ажратилган 2,2 миллиард сўмдан ортиқ кредит сарфланди. Бу шу қувватдаги корхоналарни қуришга сарфланган маблағдан роппа-роса бир миллиард сўм кам. Сабаби — ускуналар, мурватлар, технологик ашёлардан тортиб, қурилиш ишларигача — барчаси биржада тендер бўйича савдодан ўтказилгани натижасида таннарх кескин камайди. Маблағнинг фақат 600 миллион сўмдан зиёди қурилиш, ободончилик ишларига сарф қилинди.

Илгари тегирмон дейилса, буғдой ҳиди анқиган, ун чангидан бир алфозга тушган бинолар кўз олдимизга келарди. Янги корхона гуриллаб ишлаб турибди. Аввал мазкур тегирмонда 70 нафардан зиёд ишчи ва мутахассислар меҳнат қилган бўлса, ҳозирда битта муҳандис барча жараёнларни пульт орқали бошқаряпти. Донни тегирмонга узатиш, майдалаш, тайёр унни элаш жараёнларини фақат ойна орқасидан кузатасиз. Дастгоҳларнинг ишлаб тургани эшитилмаса, тегирмонлиги ҳам ёдингизга тушмайди. Бино ичида гард йўқ — ёғ тушса ялагудек. Ҳовлида эса фавворалар отилиб турибди.

Янги корхонанинг ишга туширилиши туфайли уй бекалари, нонвойларнинг азалий орзуси бўлган олий навли унни Фарғонага четдан, хусусан, Қозоғистондан олиб келишга барҳам берилди. Чунки янги тегирмонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бешдан бир қисмига олий навли ун тамғаси босиляпти. Уннинг қуввати эса 25 фоиздан 33 фоизга кўтарилди. Бу эса дунё стандартларига тўла жавоб беради.

Тегирмоннинг қуввати ҳам бир неча баравар ошди. Бу ерда бир кеча-кундузда 240 тоннадан зиёд ғалла қайта ишланиб, ун ва ун маҳсулотлари сифатида харидорларга етказиб беріляпти. «Ун яхши бўлгач, нон ширин бўлади-да», дейишаяпти истеъмолчилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: мутахассислар янги тегирмоннинг ишини кўздан кечиришаяпти.**

**Ш. ҚОРАБОЕВ олган сурат.**


**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!** Товар сертификатланган

**РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!**

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.


«ГАЗ-31105»


«ИЖ-2717»,


«ВАЗ-2106»


«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

10225Н/2755



**БИЗНИНГ ЁРДАМИМИЗ БИЛАН ЎЗ БИЗНЕСИНГИЗНИ БОШЛАНГ**

# ЧОП ЭТИШ УСКУНАЛАРИ

Canon
SHARP
THE DOCUMENT COMPANY XEROX
hp invent

ОФИС УЧУН,
НУСХА ОЛИШ МАРКАЗЛАРИ УЧУН,
БОСМАХОНАЛАР УЧУН

қулай + ишончли + тежамли

**137-68-03**

- КАФОЛАТ
- ТЕХНИК КЎМАК
- САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ
- ҚОҒОЗ

Товар сертификатланган

Эсда тутинг, замонавий технологияларни қўллаш пулингизни тежайди!

10075Н/2547



*Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!*

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Иншоот номи:**

1. Қашқадарё вилояти, БТБ «Бош таъминот бошқармаси» базасини минтақавий пахта терминалига мослаштириш ва «Қарши-тола» минтақавий пахта терминали учун 6000 кв.метрли айвонли омборхона қурилиши.

***Қурилиш муддати — 2005 йил 1 апрель.***
***Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзмарказимпекс» ташқи савдо давлат акционерлик жамияти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.***
***Буюртмачи — «Қарши-тола» шўъба корхонаси минтақавий пахта терминали.***
***Манзил: Қарши шаҳри, Бешкент йўли, 3-км.***

***Танловда қатнашиш учун талабгор ташкилотлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:***

- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- етарли касбий ва техникавий малакага;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Талабгорларнинг малакасини олдиндан аниқловчи танловга қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

*Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79, 221-16-01.*

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

*Малакавий танловдан ўтган ташкилотлар учун бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин вилоят консалтинг маркази биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уй.*


## «Тадбиркорбанк»:

# ИШБИЛАРМОНЛАР КЎМАКЧИСИ

***Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштироки нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлиги бугун барчага аён. Айниқса, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, республикамиз экспорт салоҳиятини оширишдек муҳим вазифалар ижроси айнан шу соҳа эгалари ҳаракатига боғлиқдир.***

Шуни назарда тутиб, бу борада уларга акционерлик тижорат «Тадбиркорбанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Бошқарма бошлиғи Ўктам Бойзоқов мухбиримизга кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларни кредитлаш ва улар фаолиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда реал мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилаётганини эътироф этиш лозим. Ушбу Қонун ижросини таъминлаш вазифаси ўз навбатида банкимиз жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклаган. Шу боис кейинги йилларда кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Хусусан, уларга 550 миллион сўмдан ортиқ қисқа муддатли ва 4,5 миллиард сўм атрофида узоқ муддатли кредитлар берилди. Ана шу кредитларнинг 3 335 394 минг сўми қишлоқ хўжалигига, 274 509 минг сўми саноатга, 137 530 минг сўми савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига, 996 460 минг сўми эса бошқа тармоқларга йўналтирилди.

Бундан ташқари, банкимиз томонидан жорий йилнинг 10 ойи мобайнида фермерларга 2004 йил ғалла ҳосили учун 244 324 минг сўм, пахта ҳосили учун эса 1 603 109 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ҳам ажратилди.

Фермер хўжаликларига, шунингдек, замонавий мини технологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишлари учун молиявий лизинг хизмати ҳам кўрсатаяпмиз. Биргина шу йилнинг ўзида ана шу усулда уларга 224 506 минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилгани бунинг далилидир.

Жумладан, «СарбонNE», «Байит бобо», «Имсин момо» сингари бир қатор фермер хўжаликлари шундай имтиёздан фойдаланган эди. Натижада ушбу хўжаликларда жорий йилда ғалла ва пахта бўйича белгиланган давлат буюртмалари ортиғи билан уддаланди.

Айни кунларда жамоамиз мазкур йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш, ажратиладиган кредитлар миқдорини ошириш йўлида ҳаракат қилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Абдурасул САТТОРОВ ёзиб олди.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИНИНГ**

***Янги йил муносабати билан «Арча байрами»ни ўтказиш даврида ёнғин хавфсизлиги чораларини таъминлаш бўйича пойтахтдаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ва шаҳар аҳолисига***

**МУРОЖААТИ**

*Ҳурматли ҳамшаҳарлар!*

**Янги йил «Арча байрами»ни бехавотир ўтказишни хоҳлайсизми, унда шодиёна тадбирлари жараёнида ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш ва болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ўз иш жойларида, уй соҳиблари эса хонадонларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда қуйидаги чора-тадбирларни бажаришларини сўраймиз.**

**Корхона, ташкилот, маданият муассасаларида тадбир ўтказиладиган жойни белгилаш ҳамда арчани ўрнатишда амалга оширилиши лозим бўлган қоидалар:**

* *тадбир ўтказиладиган хона бинонинг биринчи қаватида бўлиши;*
* *тадбир ўтказиладиган хонанинг чиқиш эшиклари 2 тадан кам бўлмаслиги, ташқари томонга очиладиган бўлиши ва йўналишларни кўрсатувчи махсус белгилар билан таъминланиши;*
* *Янги йил арчаси хонанинг ўрта қисмига қулай ва мустаҳкам қилиб ўрнатилиши, унинг уч қисми ва барглари хонанинг шифти, девор ҳамда иситиш жиҳозларига тегиб турмаслиги;*
* *арчани безатишда пахта-қоғоз каби тез аланга олувчи матолардан тайёрланган ўйинчоқлар ҳамда бертолет тузларидан фойдаланмаслик;*
* *арчани фақат ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланган ва сертификат белгиларига эга бўлган электр лампочкалари билан ёритиш мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг кучланиши фақат 24 вольт бўлиши ёки гирлянд лампочкалари кучланиши эса 12 вольтдан ошмаслиги;*
* *тадбир ўтказиладиган хона 2 тадан кам бўлмаган бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши;*
* *тадбир ўтказиладиган хоналар узоқ муддат назоратсиз қолдирилмаслиги ва шаҳар телефон тармоғи соз бўлиши зарур.*

**Тадбирни ўтказиш даврида бажарилиши шарт бўлган ёнғинга қарши кураш чоралари:**



* *тадбир ўтказилиши даврида ёнғинга қарши қоидалар ва хавфсизликни таъминлашга масъул ходимлар ва жавобгар шахс буйруқ орқали тайинланиши, масъул ходимлар бош электр қути қаерда жойлашганини ҳамда бирламчи ўт ўчириш воситаларидан қандай фойдаланиш кераклигини билишлари;*
* *болаларнинг арча олдидан 1 метрдан кам бўлмаган масофада бўлишини таъминлаш лозим;*
* *арча олдида шам, пақилдоқ, бенгал чироғи, мушак ва бошқа ёнғин чиқишига олиб келувчи пиротехника воситаларидан фойдаланиш;*
* *болаларни тез ёнувчи материаллардан тайёрланган кийимлар билан кийинтириш;*
* *хонани қоронғулаштириш учун деразаларга соябонлар ўрнатиш;*
* *белгиланган меъёрдан кўп одамлар билан хоналарни тўлдириш;*
* *байрам ўтказилаётган хонада болаларни ёлғиз қолдириш;*
* *тадбир ўтказилаётган бино ва хонада электр иситиш анжомларидан, очиқ оловдан фойдаланиш, шам ёқиш, сигарет чекиш ва шунга ўхшаш ёнғин ёки портлаш хавфи содир этилиши мумкин бўлган ишларни бажариш тақиқланади.*

Тадбир тугагандан сўнг барча электр жиҳозларини ўчириш, масъул ходимлар (хонадон эгалари) томонидан яна бир бор текширилиб ўчирилганига ишонч ҳосил қилиш, безатилган арча ҳамда безакларни йиғиштириб, ушбу хонадан олиб чиқиб кетиш ва тадбир тугагани ҳақида маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизмати идорасига телефон орқали маълумот бериш зарур.

Юқорида келтирилган ёнғинга қарши қоидаларга қатъий амал қилсангиз, Янги йил «Арча байрами»ни бехавотир ўтказасиз.

*Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси сизларга байрамона кайфият ва оилавий хотиржамлик тилайди!*

10267Я/2810



**USAID — Халқаро ривожланиш бўйича Америка агентлиги**
**Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича EDP лойиҳаси**

EDP Enterprise Development Project

# 60 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК БИЗНЕСДА ҲАМКОР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ ?

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳа минтақавий савдони ривожлантириш хизматларини кўрсатиш учун ҳамкорларни излаётганлигини эълон қилади. Ҳозирги кунда 400 дан зиёд компаниялар бизнинг мижозларимиз бўлиб, уларга умумий қиймати 60 миллион доллардан ортиқ бўлган савдо битимини амалга оширишда ёрдам кўрсатилди.

Биз Марказий Осиёнинг кичик ва ўрта корхоналарига минтақавий савдо тармоғида маслаҳат ва дилерлик хизматларини кўрсатиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар орасида ҳамкорларни излаяпмиз.

Ҳамкорлар ривожланган кенг савдо тармоғининг қисмига айланиб, ягона электрон савдо майдончасига (www.smetradecenter.net) кириш орқали ҳам минтақавий, ҳам халқаро олди-сотдиларни амалга оширишлари ва ўз минтақасидаги мижозлар учун савдо шерикларини ва сотув бозорини топиб бериш бўйича қатор пуллик хизматларни кўрсатишлари мумкин.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳа қизиқиши бор бўлган ташкилотлар, яъни хусусий маслаҳат, савдо, биржа компаниялари, савдо-саноат палаталари, бизнес-уюшмалари ҳамда бошқаларни мазкур лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилишга таклиф этади ва қизиқиш хатларини тақдим этишларини сўрайди.

**Ҳамкорларга талаблар:**

- минтақавий ва халқаро савдода фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат хизматлари кўрсатиш тажрибаси;
- ҳамкорлик тармоғида ишлаш учун хоҳиш ва малака;
- бир қатор информацион ва дилерлик хизматларини кўрсатиш учун институционал салоҳият;
- инглиз тилини биладиган малакали ходимлар;
- техник жиҳатдан таъминланганлик (компьютерлар, телекоммуникациялар, Интернет ва бошқалар).

Айрим ҳолларда тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаси томонидан янги хизматларни илгари суриш бўйича маркетинг тадбирларини ўтказиш учун чегараланган молиявий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Юқорида баён этилган талабларга жавоб берадиган қисқа қизиқиш хатини **2005 йил 10 январгача** қуйидаги электрон почтага юбориш лозим: vtimaeva@pragma.kg

PRAGMA

***ЮСАИДнинг тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаси «Прагма» корпорацияси томонидан амалга оширилади.***

10288Я/1829



ХАРАКАТ ПЛЮС

**Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар**

**ишлаб чиқаради ва сотади.**



Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., 16-«А» уй.
Телефонлар:
8 (371-71) 54-791, 54-062,
8 (371) 100-99-05.

e-mail: harakat_2004@mail.ru

КАФОЛАТ 2 йил.

Маҳсулот сертификатланган.



## Мутолаа

***Озод Шарафиддинов ҳаётининг олтмиш йилдан мўлроғи шўро замонида ўтди. Ўн тўрт йилдирки, у мустақил Ўзбекистоннинг янги жамият томон боришида ҳамқадам бўлмоқда. XX асрнинг тугаши, XXI асрнинг бошланиши, шўро салтанатининг парчаланиши, мустақил давлатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида танилиши унга рамзий бир довон бўлди. Ҳаётий тажрибаси бой, ақлли-ҳушли одам бу довонда туриб нималар ҳақида ўйлаши, ўтмишдан қандоқ сабоқлар чиқариб, истиқболга қандай нигоҳ билан боқиши мумкин?***

# ИЖОД ЧЎҚҚИСИ

«Довондаги ўйлар» муаллифнинг излай-излай, қиёслай-қиёслай, ўргана-ўргана топган ҳақиқатларидан иборат. Асарнинг тузилиши машҳур «Хамса»лар таркибини ёдга солади. «Мустақиллик жилолари» бўлими — «Йўлбошчи», «Истиқлол меъмори», «Мустақиллик жилолари», «Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож» мақолалари... Адиб Президент ҳақида ёзар экан, мустақиллик ҳақидаги қараш-тушунчаларини ифодалайди. Чиндан ҳам, юртбоши фаолияти ва мустақиллик одимлари масаласи ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдиради. Озод ака ўзи чуқур билмаган, руҳига сингмаган воқеа-ҳодиса, кишилар ҳақида ёзмайди. Кўп раҳбарлар уни яхши таниганлар, у билан жиддий суҳбатлашганлар. Лекин бу суҳбатларнинг халқ учун маърифий-маънавий нафи йўқ даражада эди. Олим давлат арбоби ҳақида ёзишдан олдин кўраётган, билаётганларини қалб тарозисида ўлчади. Иккинчидан, унда ҳозирги ва кечаги раҳбарларни қиёслаш, солиштириш имкони бор эди. Шунинг учун ҳам ишонч, эътиқод билан битди: «... бу инсон ҳеч қандай қолипни тан олмайди, ҳар қандай вазиятда самимийлигини сақлаб қолишга интилади, расмиятчиликни жинидан баттар ёмон кўради ва ҳар қандай шароитда ҳам инсоний мантиқ асосида фикр юритиб, иш тутишга одатланган. У ниҳоятда заковатли. Зеҳни ўткир, ҳар қандай чигал муаммонинг ҳам туб моҳиятини кўра билади. Хуллас, улкан сиёсатчи учун зарур бўлган барча ноёб фазилатларга эга. Буларнинг ёнига жасурлик ва дадиллик қўшилиб, уни бениҳоя қатъиятли инсонга айлантирган. Айни чоқда, одамларнинг табиатини яхши ҳис қиладиган, уларга ишонадиган, улардаги яширин куч ва имкониятларни кашф эта оладиган раҳбар».

Озод Шарафиддинов ижодини ўрганган тадқиқотчи биладики, унинг аксар мақола, асарларида меҳр ҳақида кўп ёзилади. Бу бежиз эмас. Шўро замонида нима тансиқ бўлди, меҳр тансиқ бўлди; шўродан қолган одамлар руҳиятидаги кемтиклик нимада кўринади, оқибатсизликдан зорланишда кўринади; шўро ҳукмронлиги йилларида нима арзон бўлди, инсоний қадр-қиммат арзон бўлди. Қарийб қирқ беш йил давомида алоҳида инсоннинг ғам-ташвишлари, оилавий, шахсий фожиалари сариқ чақага олинмади.

Олим олтмиш йилдан мўлроқ умри давомида талабалар, адабиёт мухлислари қалбига йўл топди, эл-юртга танилди, лекин шўро даврида баъзи эътиборли идора-ташкилотлар унинг кўкрагидан итарди. Инсон эзгуликни ҳам, ёвузликни ҳам жисми-жони, бутун борлиғи билан қабул қиларкан. Иродали, шижоатли инсон тазйиқларга, ошкора-пинҳона руҳий зарбаларга чидади. Етти йилдирки, у ногиронлар аравачасига михланиб қолди. Хасталик билан курашаётганда Юртбошимиз уни ҳамиша руҳан суяб турди, бевосита мадад кўрсатиб турди. Икки шахс орасидаги меҳр-оқибат ўзининг ижобий натижаларини берди. Хуллас, излаган излаганни, ўйлаган ўйлаганни, ақлли ақллини қўллаб-қувватлаши уларнинг муносабатларида ўз ифодасини топди.

Ислом Каримов — Ўзбекистон Президенти. Айни вақтда у — глобаллашув жараёнининг кўзга кўринган лидерларидан бири. У XXI аср офати — терроризм ҳақида гапирадими, юртлар, минтақаларнинг муаммолари ҳақида фикр юритадими, даврнинг ҳаётий талабларига амал қилади. Жаҳон сиёсат майдонида ўз ўрни, овози, қатъий йўли бор. Китобни ўқиган китобхонлар бунга ишонч ҳосил қилади.

Китобда XXI асрнинг муҳим бир хусусияти кўзга ташланади. Муаллиф ҳозирги замоннинг етакчи футурологлари, экологлари, сиёсатшунослари, файласуфлари асарларини кўп ўқийди, айримларини ўзбекчага таржима қилади. Футуролог Э. Тофлер, эколог А. Тўраев, ёзувчи В. Пьетцух асарларида ҳозирги глобаллашувнинг барча томонлари акс этади. Глобаллашув жараёнида инсоният битта кемада сузяпти, деган тушунчани янгича талқин қилади. XX асрнинг 60-йилларида бир-бирига зид ғоялар учун курашаётганлар бир кемада сузиб борардилар — қайси ғоя намояндалари ғолиб келмасин, кемадагиларнинг барчаси ҳалок бўлади, дейиларди. Чиндан ҳам, инсоният эси борида этагини йиғди: атом уруши хавфи бартараф этилди. Бугун у экологик ҳалокат қаршисида турибди. Яъни одамзод табиатнинг тараққиёт қонуниятларини бузди. Энди инсоният тушган кема уммон, само, қуруқликдан бўладиган ҳужум қурбони бўлиши мумкин. Устига устак, XXI асрда терроризм деган офат уни бесаранжом қила бошлади. Довонда турган одам бу хавф-хатарни аниқ кўриб турибди. Ва буларга фақатгина инсоният бирлашуви ҳамда ўзаро тотувлиги тўсиқ бўлиши мумкинлигини муаллиф аниқ-равшан кўрсатиб беради.

«Довондаги ўйлар» — компьютерлашув, глобаллашув даврининг китоби. Унда тафаккурнинг, муносабатларнинг, қарашларнинг шиддатли суръати сезилади. Мазкур тўпламга киритилган мақолалар сўнгги 7-8 йил орасида ёзилган. Лекин иқтисодиётдаги, бозор муносабатидаги, таълим тизимидаги қарашлар аллақачон янгиланиб бўлаёзди. Айтайлик, олимнинг фан, таълим тизими ҳақидаги суҳбати 9 йил олдин бўлган эди. Ҳозир Ўзбекистон Миллий университетида фан тараққиётининг, ўқиш-ўқитишнинг янги, замонавий усул-услублари кенг қўлланилмоқда. Глобаллашув жаҳон университетларини ўзаро яқинлаштирмоқда: битта университетда жорий этилган янгилик зудлик билан ўзга ўқув юртларида ҳам қўлланилмоқда.

Шунингдек, китобдаги ҳамма мақолаларда ҳам шойисталик, мукаммаллик бир хил эмас. Масалан, Ўлмас Умарбеков ҳақидаги мақолани яна ҳам салмоқлироқ қилиш, бугуннинг ўқитувчиси ҳақидаги мулоҳазаларни теранроқ олиб бориш имкони мавжуд эди. «Муҳаббат кунда керак», «Довондаги ўйлар» ниҳоятда муҳим муаммога бағишланган. Лекин ҳар иккала мақолада композицион тарқоқлик, қисман бўлса-да, сезилади. Умуман, ушбу асар сўнгги йиллар ўзбек танқидчилиги, бадиий публицистикасининг катта ютуғи бўлди. Уни олим, адиб ижодининг чўққиси, дейишга ҳақлимиз.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**адабиётшунос олим.**

## Ҳашар маблағи — Оролбўйига

**«Экосан» халқаро ташкилоти Сиҳат-саломатлик йили учун мақсадли дастур ишлаб чиқди.**

**Пойтахтимизнинг Шимолий вокзалидан Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетган Саломатлик поезди худди шу ғояни тарғиб қилади.**

**Поездга кийим-кечак, пойабзаллар, кўрпа-тўшак, «Гемотаген» даволаш озуқавий препарати, «Полисепт» дезинфекциялаш моддаси ва бошқа халқ истеъмоли молларидан иборат жами 35 миллион сўмликдан зиёд инсонпарварлик юки ортилган. Бу ашёлар Қорақалпоғистондаги шифохоналар, мактаблар ва бошқа ижтимоий объектлар ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга тарқатилади.**

**Таъкидлаш жоизки, ушбу ёрдамни ташкил этишга «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида «Орол оналари ва болаларига» шиори остида ўтказилган умумреспублика экологик ҳашаридан тушган маблағ сарфланди.**

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

докторантура ва аспирантурага қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.

**ДОКТОРАНТУРА**

Асаб касалликлари (1), гигиена (1).

**АСПИРАНТУРА**

Микробиология (1), одам анатомияси (1), ички касалликлар (1), ЛОР (1), гигиена (2), кўз касалликлари (1), юқумли касалликлар (1), травматология ва ортопедия (1), фтизиатрия (1), аллергология ва иммунология (1), урология (1), клиник фармакология (1), наркология (1).

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй, бош ўқув биноси, 4-қават, аспирантура бўлими.**

Телефон: 118-59-41.

10244Р/2723



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

QBS Mix Market

ОФИС МЕБЕЛИ САЛОНИ

PNV-6

15 ХИЛДАН ОРТИҚ КАБИНЕТ МЕБЕЛЛАРИ
2,5м.дан 7м.гача БЎЛГАН КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР
ТУРЛИ ХИЛ ШКАФЛАР ТЎПЛАМИ
КОНФЕРЕНЦ- КРЕСЛОЛАР
ТЕАТР КРЕСЛОЛАРИ
ОФИС ТЎСИҚЛАРИ
ЧАРМ КРЕСЛОЛАР
ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ



Шкаф - FC 1705 - 972 300 сўм.
Кабинет тўплами - FD 09 - 1 483 650 сўм.
Чарм кресло - 275 000 сўм.

2005 йил тўпламидан янги намуналар!

Бизнинг манзил:
А. Темур-Эргашев кўчаси, 2-уй (мўлжал - "Қозоғистон" кинотеатри, Юнусобод тумани солиқ инспекцияси қаршисида).
Тел. 135-74-47, тел./факс 135-41-59. E-mail: qbs@sarkor.com, www.mixmarket.uz

10290Р/1770


## Савоб

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси республика Кўрлар жамияти билан ҳамкорликда кўзи ожизлар учун Брайл ёзувида чоп этилган Қуръони Каримнинг тақдимот маросимини ўтказди.

Муқаддас китоб 4 минг нусхада чоп этилган бўлиб, бир жамланма 8 та китобдан иборат. Ҳозирги кунда юртимизда 24 мингга яқин кўзи ожизлар борлигини инобатга олсак, бу хайрли иш нақадар савоб бўлганини тасаввур этиш қийин эмас.

Тадбирда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов кўзи ожизлар учун махсус Қуръон нашр этилиши, Тошкент шаҳрининг иккита жоме масжидида кар-соқов фуқароларимиз ўз ибодатларини адо этишлари учун сурдо-таржима ташкил этилганлиги, ушбу тажрибани республиканинг бошқа вилоятларида ҳам амалга ошириш режалаштирилаётганлиги, «Меҳр-мурувват йили»нинг якунида бу ногирон юртдошларимизга бебаҳо туҳфа бўлганлигини таъкидлади.

**М. ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОСИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

танлов савдосини эълон қилади.

1. Навоий вилояти педагогика институтининг 750 талабага мўлжалланган ўқув биноси ва 400 ўринли ётоқхонаси қурилишини тугаллаш.

***Буюртмачи — Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 45-уйда жойлашган Навоий вилояти халқ таълимининг қурилиш дирекцияси. Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.***

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

***Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган республика бошқармасининг Навоий вилояти қурилишда танлов савдоси ва нархларни шакллантириш марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел/факс: 225-53-85.***

*Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун — 50 минг сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Навоий ш., Ибн Сино кўчаси, 45-уйда жойлашган Навоий вилояти халқ таълимининг қурилиш дирекцияси биносида ўтказилади.*

10302Н/2890



"Пахта Банк" замонавий сўм пластик карточкаларидан фойдаланинг !



1. "Пахта Банк" сўм пластик карточкаси — бу сизнинг ҳамёнингиздир. Республикамизнинг исталган манзилига шу биргина пластик карточка билан бориб келиш имкониятингиз мавжуд.
2. "Пахта Банк" сўм пластик карточкаси эгалари учун карточкадаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2,5 фоиз устама, ойма-ой капитализация ҳисобига эса йиллик 34,5 фоиз устама даромад ҳисобланади.
3. Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз кифоя. Банк маъмурияти сизнинг ушбу аризангизга асосан 15 дақиқа ичида пластик карточкангизни расмийлаштириб беради.
4. Пластик карточкадан фойдаланиш учун сиз ўзингиз танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз, натижада пластик карточкангиздан ўзга шахсларнинг фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади.
5. Республика миқёсида дўконларга ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.
6. "Пахта Банк" сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.
7. Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.
8. Метрополитендан фойдаланиш мақсадида йўлкира ҳақини пластик карточка орқали тўлашингиз мумкин.
9. Пластик карточкангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.
10. "Пахта Банк" сўм пластик карточкангизнинг ҳисоб рақамига республиканинг исталган бурчагида ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.
11. Пластик карточкангиздаги маблағларни истаган вақтда бутун республика бўйлаб ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.
12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-қарорига асосан, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоиз кам тўлайдилар.
13. "Пахта Банк" сўм пластик карточкангизга доир маълумотлар сир сақланишига ва ҳар ойнинг биринчи кунига фоизли даромадингизни қўшиб боришга кафолат беради.
14. "Пахта Банк" сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.
15. Товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси Қўмита аъзоси Ҳабибулла Сайдуллаев (Ҳабиб Саъдулла)га онаси

**МУКАРРАМХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маданий моллар» масъулияти чекланган жамияти жамоаси корхона раҳбари Собиржон Маҳмудович Маҳмудовга опаси

**Хатирахон ая ҲАКИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —264. 21387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни —23.30 Топширилди — 23.50 1 2 3 5 6